

# ГЕРМАНИЯ КОМПАНИЯСИ ФАРФОНАЛИК ЁШЛАРНИ КАСБ-ХУНАРГА ҮҚИТИБ, ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШДА ҲАМКОРЛИК ҚИЛАДИ

Вилоят ҳокимлиги қабуллар уйида вилоят ҳокимининг ўринбосари Файзулло Қосимов Германиянинг “GfM Gruppe” компаниялар гуруҳи раҳбари Матиас Фрайлингни қабул қилди.

Учрашувда фарфоналик ёшларни Германияда касб таълими олиб, тиббиёт, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш технологиялари, хунармандчилик, логистика ва бошқа кўплаб соҳаларда етук мутахассис бўлиб етишиш имкониятлари бўйича фикр алмашилди.

Фарфонада илк бор бўлиб турган Матиас Фрайлинг, Германияда ҳунармандчилик соҳаси бўйича ишчи кучига талаб юқори эканлигини қайд этиб, ҳамширалик, меҳмонхона, гастрономия, айти йўналишлари бўйича ҳам мутахассисларга эҳтиёж катта эканлигини маълум қилди. Бунда мутахассислар олий маълумотли бўлишлари талаб этилмаслиги, лекин В1 даражада немис тилини билиши кераклиги ҳақида айтиб ўтди. Шу боис, мактаб битирувчилари Германияга бориб касб ўрганиши ва шу жойда тўғридан тўғри ишга ҳам таклиф этилиши билдирилди. Меҳмонлар барча керакли ҳужжатлар ва саволлар учун маҳсус дастур ишлаб чиқилгани ва ҳудудлардаги учрашувлар давомида қизиқиш билдирганларга керакли тушунтиришлар берилишини ҳам таъкидлади.

Вилоятдаги касбга ўргатувчи мактаблар билан алоқа ўрнатиш бўйича кўмак берилишини қайд этган Файзулло Қосимов, немис тили бўйича мутахассисларга эҳтиёж борлигини таъкидлаб, Фарфонада ҳам “GfM Gruppe” компаниясининг филиалини очишни таклиф қилди. Шунингдек, германиялик мутахассислар томонидан онлайн тарзда ўқувлар ташкил қилинса, ҳар томонлама кўмак ва шароит яратилишини айтиб ўтди.

Учрашувда икки томоннинг илгари сурилган таклифлари маъқулланиб, келгусида ҳамкорликда иш ташкил қилишга келишиб олинди.

Маълумот ўрнида, 1984 йилда ташкил этилган “GfM Gruppe” мамлакатнинг турли ҳудудларида жойлашган касб-хунар таълими муассасаларининг кенг тармоғини ташкил қиласди. 500 дан ортиқ малака модулларини қамраб оладиган ушбу касб-хунар ўқув марказларида турли фаолият соҳалари бўйича мутахассислар тайёрланади. Хусусан, ширкат ўз таркибида “Sky Academy” (касб-хунар таълими), “HR Arena” (салоҳиятли ёшларни ёллаш ва кадрлар билан ишлаш), “GWP mbH” (ижтимоий педагогика), “WORKS GmbH” (чет элликларнинг ижтимоий интеграцияси) ва бошқа ихтинослашган муассасаларни бирлаштирган.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2023-04-28 13:05:50